

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**18-сон**  
**(102)**  
**2004 й.**  
**май**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

205. «Машинасозлик тармоғини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 208-сон қарори
206. «Давлат мулки айрим объектларининг инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

209. «Биржа савдоларида автомобиль бензинини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 21, 01/24-12, 48, 03-181, 01/АА-214-А, 42-01/137-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 майда 1346-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
210. «Биржа савдоларида дизель ёнилғисини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,

Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 22, 01/24-13, 49, 03-182, 01/АА-214-Д, 42-01/138-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 майда 1347-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

211. «Биржа савдоларида ёнилғи мазутини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 23, 01/24-14, 50, 03-181, 01/АА-214-М, 42-01/139-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 майда 1348-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

212. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 7 майда 1349-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 1 майдан 7 майгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **205** Машинасозлик тармоғини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ–3366-сон Фармониغا мувофиқ ҳамда машинасозлик тармоғида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзмашсаноат» уюшмаси қатнашчилари умумий йиғилиши томонидан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзмашсаноат» уюшмасини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун 1-иловага\* мувофиқ таркибда ишчи комиссия ташкил этилсин.

Ишчи комиссия икки ой муддатда «Ўзмашсаноат» уюшмасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишчи комиссия билан биргаликда «Ўзмашсаноат» уюшмаси тугатилиши муносабати билан бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Тугатилаётган «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибига кирган корхоналарнинг акцияларининг давлат пакетлари улар профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилгунгача 2-иловага мувофиқ компаниялар ва уюшмаларга берилсин.

5. «Восток» давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Тошкент асбоб-созлик технология бюроси» давлат унитар корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган «Восток» давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилсин.

«Восток» давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бир ой муддатда бирлашманинг янги Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар ўн кун муддатда идоравий норматив ҳужжатларга ҳамда 2004 йил учун мўлжалланган моддий-қиймат балансларига мазкур қарордан келиб чиқувчи тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон машинасозлик корхоналари («Ўзмашсаноат») уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1994 йил 19 мартдаги 147-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

\* 1-илова берилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 май,  
208-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 майдаги 208-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Акцияларининг давлат пакетлари профессионал  
бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга  
берилгунгача компаниялар ва уюшмаларга бериладиган  
«Ўзмашсаноат» уюшмасининг корхоналари**

Тугатиладиган «Ўзмашсаноат» уюшмаси корхоналари	Акцияларнинг давлат улуши, %	Таркибига корхоналар ўтадиган хўжалик бирлашмалари
«Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси	100	«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
«Сино» очиқ акциядорлик жамияти	25	
«Ўзпахтамаш» очиқ акциядорлик жамияти	25	«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси
«Компрессор» очиқ акциядорлик жамияти	25	
«Тож металл» очиқ акциядорлик жамияти	25	
«Ўзбектўқимачимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси	100	«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси
«Тошкент кимё технологияси илмий-тадқиқот институти» давлат унитар корхонаси	100	«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси
«Андижонмаш» очиқ акциядорлик жамияти	25	«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси
«Упакмашавтомат» очиқ акциядорлик жамияти	25	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
«Тошкент асбобсозлик технологик бюроси» давлат унитар корхонаси	100	«Восток» давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **206** Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларини аниқ мулкдорларга сотишни жадаллаштириш, шунингдек хусусийлаштирилган корхоналарни замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 1-иловага\* мувофиқ давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган ҳар бир корхона ва объект бўйича улар танлов савдоларига қўйилгунга қадар:

корхоналар ва объектлар бўйича аниқ шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режасини ишлаб чиқсинлар;

зарурат бўлганда ушбу режаларда катта ишлаб чиқариш майдонларига ва ёрдамчи майдонларга, бир нечта бино ва иншоотларда жойлашган, шунингдек катта майдондаги ер участкаларига эга бўлган йирик корхоналар ва объектларни сотиладиган бир нечта мулкый комплекс ва ер участкаларига олдиндан бўлишни назарда тутсинлар;

корхоналар ва объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришнинг тендер шартларини келишиш учун Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясига юборсинлар.

3. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг, паст ликвидли объектлар ва давлат активларининг инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши, шунингдек инвесторлар томонидан зиммасига олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар;

паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ҳамда Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан тендер савдолари ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Телерадио

---

\* 1-илова берилмайди.

компанияси паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини паст ликвидли активлар ва объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига ватанимиз инвесторларига ва хорижий инвесторларга бепул беришнинг боришини, шунингдек инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини бажаришнинг аниқ натижаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича тизимли ишларни ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 май,  
209-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотиш тартибида:

6.4-банддаги иккинчи гап чиқариб ташлансин;

10.2-банддаги «5 банк куни» сўзлари «30 банк куни» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибининг 17-бандидаги «5 банк куни» сўзлари «30 банк куни» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

51-банднинг биринчи хатбошидаги «усулини қўлланишда» сўзларидан олдин «харажат» сўзи қўшилсин;

53-банддаги «Ўзбекистон Республикасининг банклараро валюта бозорида белгиланадиган биржадан ташқари валюта бозори» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» сўзлари билан алмаштирилсин;

54-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«54. Баҳолашнинг икки ва ундан ортиқ усули қўлланилган тақдирда Комиссия Давлат мулки кўмитасига мол-мулк қийматини баҳолаш бўйича барча олинган натижаларни тақдим этади, улар асосида Давлат мулки кўмитаси (республика вазирликлари, идоралари ва хўжалик бошқаруви органлари тизимига кирадиган корхона-

лар бўйича) ёки унинг худудий органи (бошқа корхоналар бўйича) буйруғига биноан корхонанинг қиймати, устав фонди миқдори белгиланади. Корхона қиймати, устав фондининг белгиланадиган миқдори ушбу Низомнинг 51—53-бандларида назарда тутилган тартибда аниқланган баҳолаш қийматидан паст бўлиши мумкин эмас».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорида:

4-банд қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хорижий инвесторларга эркин муомаладаги валютага сотилиши керак бўлган давлат мулки (корхона, объект, хўжалик жамиятлари акциялари ва улушлари пакети) савдога қўйилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида биржа савдоларида сотилмаган тақдирда Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси билан келишган ҳолда ушбу мулкни миллий валютага сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

4-банддаги ва 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги давлатнинг ишончли вакиллари тайинлаш бўйича махсус Комиссия» сўзлари «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги, 16-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 18-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Комиссия» сўзлари «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 27 июлдаги 325-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 67-модда):

а) 4-банднинг еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 5-илова 8-бандининг ўн иккинчи ва ўн тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги махсус комиссия» сўзлари «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-иловада:

илова номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси таркиби»;

«Султонов Ў.Т. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири» сўзлари «Азимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқти-

содий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда):

қарор 3-бандининг иккинчи хатбоши «бунда инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш учун қўшилаётган пул маблағлари, моддий бойликлар ва бошқа активларга даромад (фойда) солиғи солинмайди» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи илованинг 5-бандидаги «уч ой» сўзлари «бир ой» сўзлари билан алмаштирилсин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ  
«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МХК  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**209 Биржа савдоларида автомобиль бензинини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 майда 1346-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. «Биржа савдоларида автомобиль бензинини сотиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
21-сон

**Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
01/24-12-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Молия вазири М. НУРМУРОТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
48-сон

**Ўздавнефтгазинспекция бошлиқ ўринбосари Р. ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
03-181-сон

**«Ўзбекнефтегаз» МХК раиси А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
01/АА-214-А-сон

**Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
42-01/137-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ  
«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МХК  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**210** Биржа савдоларида дизель ёнилғисини сотиш тарти-  
би тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш  
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 майда 1347-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. «Биржа савдоларида дизель ёнилғисини сотиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
22-сон

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
01/24-13-сон

**Молия вазири М. НУРМУРОТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
49-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

**Ўздавнефтгазинспекция бошлиқ ўринбосари Р. ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
03-182-сон

**«Ўзбекнефтегаз» МХК раиси А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
01/АА-214-Д-сон

**Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
42-01/138-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ  
«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МХК  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**211 Биржа савдоларида ёқилғи мазутини сотиш тартиби  
тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 майда 1348-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. «Биржа савдоларида ёқилғи мазутини сотиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
23-сон

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
01/24-14-сон

**Молия вазири М. НУРМУРОТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
50-сон

**Ўздавнефтвазинспекция бошлиқ ўринбосари Р. ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
03-183-сон

**«Ўзбекнефтегаз» МХК раиси А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
01/АА-214-М-сон

**Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 март,  
42-01/139-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВАВИАНАЗОРАТ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУФИ**212 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
7 майда 1349-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 17 майдан кучга киради)*

Меъёрий ҳужжатларни халқаро авиация ташкилоти (ИКАО) талабларига мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Дававианазорат томонидан «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиацион персоналини даражалаш ва шаходатномалар бериш» (ЎЗРАК—61) авиацион қоидалари ишлаб чиқилди, **буюрман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари\* тасдиқлансин.

2. Иш бошқарувчи (Ш.Н. Шамсиева) томонидан девонхўна (О.В. Демиденко) билан ҳамкорликда Адлия вазирлигида рўйхатга олингач, уч кун ичида авиацион қоидаларнинг кўпайтирилиши ҳамда барча авиакомпаниялар ва манфаатдор шахсларга тарқатилиши таъминлансин.

3. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олингач ўн кун ичида амалга киритилсин.

4. Мазкур қоидалар кучга киргач, Дававианазорат бошлиғи томонидан тасдиқланган, 1999 йил 1 январда чиққан «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси персоналини даражалаш ва шаходатномалар бериш бўйича бўйича йўриқнома» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорат Дававианазорат бошлиғининг муовини А.Э. Эрназаров зиммасига юклатилсин.

**Дававианазорат бошлиғи Х.А. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 март,  
49-сон

---

\* Қоидалар рус тилидаги матнда берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 1 майдан 7 майгача бўлган маълумот**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Биржа савдоларида автомобиль бензинини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 21, 01/24-12, 48, 03-181, 01/АА-214-А, 42-01/137-сон қарори.*

*2004 йил 6 майда 1346-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 майдан кучга киради).*

2. «Биржа савдоларида дизель ёнилғисини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 22, 01/24-13, 49, 03-182, 01/АА-214-Д, 42-01/138-сон қарори.*

*2004 йил 6 майда 1347-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 майдан кучга киради).*

3. «Биржа савдоларида ёнилғи мазутини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 23, 01/24-14, 50, 03-181, 01/АА-214-М, 42-01/139-сон қарори.*

*2004 йил 6 майда 1348-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 майдан кучга киради).*

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» *Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат бошлигининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи.*

*2004 йил 7 майда 1349-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 17 майдан кучга киради).*

**Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 17 июлдаги ТД/04-03-03/777, 2003-03-сонли қўшма хати.

2. Республикадан ташқарига сотиладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узатилаган газга бўлган нархлар фарқни республика бюджетига киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

**Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 14 январдаги 15-28/74, 13/1-266-сонли қўшма хати.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.